



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@cxat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 5 ” may

Қ-398 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви**  
**“Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “QIZIRIQ**  
**EXSPREES INVEST” МЧЖга боғ барпо этиш**  
**ва “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони**  
**ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/351-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 20 апрелдаги 01-05/140-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “QIZIRIQ EXSPREES INVEST” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг бқ-дала контуридаги жами 12,20 гектар, шундан 12,0 гектар яйлов ва 0,2 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонининг 11,0 гектари боғ барпо этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 1,0 гектари енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “QIZIRIQ EXSPREES INVEST” МЧЖ бошлиғи М.Хўжақуловага:  
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;  
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**